



**Ж Ў Ш Қ И Н**  
**МЕХНАТ НАФАСИ**

1904-йилдан бундан оуен хам  
 йонда аяк олдирди. Кор-  
 сонамза ичхи ва хизматчи-  
 ларининг шу кувиларни асо-  
 ни цукат-этибни лойиха-  
 та таъкидланганидек, ишлаб  
 чикариш самардорлигини  
 ва махсусот сифатини тагин  
 дау ошиниц ягич резервала-  
 ни кидириб топниша нара-  
 илган.

Раимбой ДУСЖОНОВ,  
 Мангит пахта тозалаш  
 заводи смена мастери.

"Биз шу кувиларда 1977-  
 —1980 йилларда СССР  
 халк хужалигини ривон-  
 латирининг асоси  
 йуналишлари" тугрисида  
 КПСС Марказий Коми-  
 тети лойихасини чукур, а-  
 рофлича мухоама килмо-  
 дамиз. Бу тарихий хужага  
 бизни янги зафарларга чор-  
 латир

Мадамин МУРОДОВ,  
 Хавораси пахта тозалаш  
 заводи ичписи.





# ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ — ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Давлат меҳнат омонат кассалари — аҳолига ўз маблағларини сақлаш имконини беради ва пул ҳисоб-китоб ишларини бажаради.

Омонат кассалари меҳнаткашларга шахсий бюджетларини туғри тузиш, ўзларининг моддий, маданий-маиший талабларини қондириш учун меҳнат даромадларидан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Омонатлар ва Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигациялари орқали омонат кассаларига жалб қилин-

ган аҳоли маблағидан ватанимиз халқ хўжалигини янада ривожлантиришда фойдаланилади.

БУ САҲИФА АҲОЛИНИ ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА БАЖАРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР БИЛАН ТАНИШТИРАДИ.

Омонат кассалари тўққизинчи беш йиллик даврида аҳоли ўртасида айниқса кенг оммалашди.

Бугунги кунда омонат кассалари хизматидан деярли ҳамма оила фойдаланади.

Республикамиз аҳолисининг омонат кассаларидаги омонат суммалари тўққизинчи беш йиллик даврида 852 миллион сўмга кўпайди ва ҳозирги кунда 1 миллиард 750 миллион сўмдан ошиб кетди.

Шу давр ичида омонатчилар сонин 764 мингга кўпайди ва ҳозирги кунда омонатчилар сонин 2 яри миллионга етди.

Омонат сақловчилар жамғаримларининг ўртача миқдори 740 сўмни ташкил қилади.

Республикамизда ҳозирги кунда 2500 та давлат меҳнат омонат кассалари ишламоқда.

## ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ЖАМҒАРМА ТУРЛАРИ

ТАЛАБ ҚИЛИВ ОЛИНГУНЧА САҚЛАНДИГАН ОМОНАТЛАР

Бу омонатлар чекланмаган муддатга қабул қилинади. Омонатларни хоҳлаган вақтда кўпайтириш ва истоган вақтда бир қисmini ёки ҳаммасини олишнинг мумкин.

Бу омонат бўйича йилга 2 процент даромад берилади.

### МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР

Бу турдаги омонатлар намида олти ойга қабул қилинади. Омонат олти ойдан ортиқ вақтда омонат кассаларида сақланиб турса ҳам у муддатли омонат бўлиб ҳисобланаверади. Муदдатли омонатлар бўйича омонатчи йилга 3 процент даромад берилади.

### ШАРТЛИ ОМОНАТЛАР

Шартли омонатлар тоширилатганда шарт қўйиб олинади. Масалан: омонатчи ўқув юртини битиргандан сўнг ёки балогат ёшига етгандан омонатни бериш ва бошқа турли шартлар.



### ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Бу турдаги омонатлар бошқа турдаги омонатлардан ажратиб туради.

Омонат сақловчилар бундай омонатлар юзасидан ютуқлар тариқасида даромад оладилар.

Ютуқлар тиражи бир йилда икки марта — апрель ва октябрь ойларида ўтказилади.

### ЖОРИЙ СЧЕТ ОМОНАТЛАРИ

Жорий омонатлардан омонатчи шахсан омонат кассаларига кирмасдан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун чек ёзиб берилса унда кўрсатилган кишига пул тўланаверади.

Давлат меҳнат омонат кассаларига қўйилган омонатларга даромад процент ёки ютуқ тариқасида тўланади.

Совет давлати омонатларининг сир сақлиниши, уларнинг бутлигини ва омонатчининг биринчи талаби бўйича берилишини гарантиялайди.

## СИЗ УЧУН ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҲИСОБКИТОБ ҚИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ УРТОҚ! СИЗ ҲАР ОИДА КВАРТИРА, ЭЛЕКТР, ГАЗ, ТЕЛЕФОН, БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ВА БОШҚА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚЛАРИНИ Тўлаш учун ОМОНАТ КАССАЛАРИГА МҲУРОЖААТ ҚИЛАСИЗ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ОМОНАТЧИЛАРГА КўРСАТИДигАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН БИРИ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБКИТОБ ҚИЛИШДИР.

Сиз ўзининг қимматли вақтингизни тежаб омонат кассаларига бормасдан ҳар қандай тўловларни тўлашингиз мумкин.

Тошхиритингизга биноан кўрсатилган муддатда Сиз омонат қўйган омонат кассаси шахсий счётигиздан қавтал ва йил давомида ёки тошхиритингизни бекор қилмагунингизгача муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга тегишли ҳар қандай тўловларни ўтказиш.

Омонат кассага ўзининг шахсий счётигиздан ҳар хил тўловларни чакана қолда ўтказиш ҳақида ҳам тошхирити беришнинг мумкин.

Бундай тошхиритиларни жамғариматга бўлган омонат кассасига почта орқали юборса ҳам бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоблар бўйича чакана ва узоқ муддатли тошхиритиларни расмийлаштириш учун омонатчи зарур бўладиган омонатларни хоҳлаган омонат кассасидан олиши мумкин.

### ҚИММАТЛИ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

## ОМОНАТ КАССАЛАРИДА БЕРИЛАДИГАН АККРЕДИТИВЛАР ЙЎЛДА ПУЛ САҚЛАШНИНГ ҚУЛАЙ ФОРМАСИДир

Командировка, отпуски, саёҳат ва экскурсияларга чиққанда йўлда пул сақлаш ва ундан фойдаланишда омонат кассаларининг аккредитивлари жуда қулайдир.

Аккредитив шунинг учун қулайдирки, йўлда ўзингиз билан нақд пул олиб юриш зарур эмас.

Шаҳар ёки райондаги бир омонат кассага пулнинг аккредитивга қўйиб уни бошқа шаҳар ёки райондаги хоҳлаган омонат кассаларидан олишнинг мумкин.

АККРЕДИТИВЛАР ИККИ ХИЛ БўЛАДИ: 1000 сўмгача бўлган хоҳлаган сумма ва 300 сўмлик.

Аккредитив бўйича пуллари ҳаммасини бир қилиб ёки қисмларга бўлиб олиш мумкин.

АККРЕДИТИВ ЭҒАЛАРИГА ИККИТА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ — АККРЕДИТИВ ВА УНГА КОНТРОЛЬ ВАРАҚА. УЛАРНИ АЛОҲИДА САҚЛАШ ЛОЗИМ.

Омонат кассалари аккредитив эгалари паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни кўрсатганларидан сўнг аккредитив пуллари тўлайдилар.

Аккредитивлар, шунингдек унинг эгаси ишонч қозони ёзиб берган кишига ҳам тўлашиши мумкин.

## ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҚУЙИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БАЖАРАДИ

Аҳолининг пул маблағларини омонат счётларига қавтал қилади ва беради.

Омонатчининг тошхиритингизга биноан омонатларини бир омонат кассасидан бошқасига ўтказиш ва нақд пуллари бошқа омонат кассасига ўтказиш учун қабул қилади.

Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигацияларини сотади ва сотиб олади, ютуқларни тўлайди, давлат заёмлари облигацияларини сақлаб бериш учун қабул қилади.

Аккредитивларни беради ва тўлайди.

Аҳолининг магазинлардан сотиб оладиган енгил автомашиналарни, стандарт уйлар, мебель гарнитурлари, пианино, мотоцикл ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган

буюмларнинг ҳисоб-китобларида ҳисоб чекларини қўлайди.

Пул-буюм лотереяларини сотади ва ютуқларини тўлайди.

«Спортлото» ютуқларини тўлайди.

Почта хизмати ҳақини тўлаш белгиларини, шаҳар транспортнинг билетларини ва давлат бонки маркаларини сотади.

Ҳамма давлат меҳнат омонат кассалари (агентстволардан ташқари) аҳолидан квартира ҳақи, коммунал хизмат ҳақи ва бошқа тўловларни қабул қилади.

Давлат меҳнат омонат кассалари омонатчининг тошхиритингизга биноан коммунал хизмат ҳақи ва бошқа тўловлар учун ташкилотлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини бажаради.

## ОМОНАТ КАССАГА БОРМАСДАН ОМОНАТЧИ БЎЛИШ МУМКИН

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ МИЛЛИОНЛАБ КИШИЛАР ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛОНАДИ.

Омонат кассалари меҳнаткашларга нам миқдорда бўлса ҳам доимий равишда пул ўтказиб, уларнинг маданий-маиший ва моддий талабларини қондириш учун пул маблағларини жамғариматга ёрдам беради.



## ТАНИШИНГ: ЯНГИЛИК!

ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ — ШАХСИЙ ҲУЖЖАТДИР.

Магазинлардан қимматбаҳо буюмлар — енгил автомашиналар, мотоцикллар, мебель гарнитурлари, пианинолар ва шу каби нархи 200 сўмдан юқори бўлган буюмларни сотиб олиш учун омонат кассаларида бериладиган ҳисоб чекларидан фойдаланиш мумкин. Аҳолига, бу чеклар нақд пул ёки омонат кассаларидаги уларнинг жамғарималари ҳисобга берилади.

ҲИСОБ ЧЕКЛАРИ — МАРКАЗИЙ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ВА БИРИНЧИ РАЗРЯДЛИ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИ.

Иккинчи разрядли омонат кассасида ёки омонат касса агентствосида шахсий счётига ёки бўлган омонатчилар шу райондаги марказий омонат кассаларидан ҳисоб чекларини олишлари мумкин.

ҲИСОБ ЧЕКЛАРИ, БЕРИЛГАН КУНДАН СЎНГ ИККИ ОИ ДАВОМИДА ЎЗ КЎЧИНИ САҚЛАЙДИ.

Фойдаланилмаган чек шаҳар ёки райондаги марказий омонат кассаларининг қайси биридан берилган бўлса, ўша омонат кассага қайтиб берилиши шарт. Ҳисоб чекдаги сумма омонат счётига қўйиб қўйлади ёки нақд пул билан қайтариб берилади.

ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

## 40 СЎМ ДАН 5 МИНГ СЎМГАЧА

ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯСИННИ СОТИБ ОЛГАН ҲАР БИР КИШИ 40 СЎМДАН 5000 СЎМГАЧА ЮТУҚ ЮТИШИ МУМКИН.

ҲАР ЙИЛИ САККИЗ МАРТА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳар бир тираждан сўнг ютуқ ютиш имкони ортаверади, чунки, ютуқ чиққан облигация серияси кейинги тиражларда қатнашмаслиги муносабати билан кейинги тиражларда қатнашадиган облигация сериялари камаяиб боради.

Заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади, ҳамма марказий омонат кассалари уларни сақлаб бериш учун қабул қилади.

Заём облигацияларини сотиб олиб омаднингизни синаб кўринг. Ютуқ чиқмаса 10 тийиндан 50 тийингача (облигацияни сотиб олган вақтингизга боғлиқ) йўқотасиз, омаднингиз келса 20 сўмлик облигацияга (облигация қиймати билан бирга) 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ёки 40 сўм ютишингиз мумкин.

## АВТОМАШИНА ВА МОТОЦИКЛАРНИ 30 ТИЙИНГА ЮТИШ МУМКИН


Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1976 йилда пул-буюм лотереясини чиқаришга қарор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИДА ҲАР ЙИЛИ 5 МИЛЛИОН 265 МИНГ СЎМЛИК 1 МИЛЛИОН 858 МИНГ 500 ТА ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛАРИ ЎТНАЛАДИ.

Пул-буюм лотереясида ўйналадиган ютуқларнинг умумий суммаси (5 миллион 265 минг сўм) чиқарилган лотерея билетларининг 60 процентини ташкил қилади.

Тиражларда ўйналадиган ютуқлар ичида «Москвич-412», «Ижугули» ва «Запорожец» автомашиналари, мотоцикллар, холодильниклар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, ҳамда йиллик пул ютуқлари мавжуд.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ БАҲОСИ — 30 ТИЙИН. ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ ВА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!



## ОМОНАТ КАССАЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СИЗГА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ФОЙДАЛИДИР

Омонат кассалари чекланмаган суммаларга омонатлар қабул қилади. Омонатчи битта ёки бир нечта счёти очтириши мумкин.

ОМОНАТ СУММАСИНИНГ МИНИМАЛ ҲАҚИМИ 50 ТИЙИН.

Ҳар бир Совет граждани ёшдан қатъий назар, омонат кассасига омонат қўйиши мумкин.

ОМОНАТНИНГ ОМОНАТ КАССАСИДА САҚЛАШ МУДДАТИ ЧЕКЛАНМАЙДИ.

Омонатчи ўз омонат счётидан фойдаланиш учун ишонч қозони ёзиб беришга, омонатини бир ёки бир нечта кишиларга (улар қонуни бўйича меросхўр бўлиш-бўлмаглигини қатъий назар), ҳамда давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига вассият қилиб қолдириш ҳуқуқига эга.

ҲАР БИР ОМОНАТЧИ ЎЗ ОМОНАТИ УЧУН ПРОЦЕНТ ЁКИ ЮТУҚ ТАРИҚАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ДАРОМАДНИ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА. БУ ДАРОМАДЛАРДАН ОЛИШ ВА НАЛОГЛАР ОЛИНМАЙДИ.

Омонатчи ўз шахсий счёти олиб бориладиган омонат кассасига шу счётидан муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга тўлайдиган ҳамма тўловларни уларнинг давлат бонки муассасаларида ёки омонат кассаларидаги счётларига ўтказишнинг бузғини мумкин.

Аҳоли ўртасида квартира, болалар боғчаси, телефон, коммунал хизмати, музика мактаблари ва бошқа пуллик ўқув юртлари учун ҳақларни ҳамда квартира ремонтини шаҳарлараро телефондан кредитга гавлашганини учун ва телефон орқали телеграммалар берилгани учун ҳақларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш кундан-кунга оммилайишмоқда.